

## Диний-маърифий соҳа ходимлари юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди



19:34 / 24.08.2024 1478

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига [мувофиқ](#) диний-маърифий соҳада фаол хизмат қилиб келаётган қуйидаги ходимлар “Шухрат” медали билан мукофотланди:

- Камбаров Аъзам Махамадали ўғли - Дин ишлари бўйича қўмитанинг Ахборот-таҳлил ва тарғибот ишларини ташкил этиш бошқармаси мутахассиси;

- Марупов Илҳом Исломович - Дин ишлари бўйича қўмитанинг Ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби;

- Меликузиев Джахангир Валижанович - Дин ишлари бўйича қўмитанинг Ахборот-таҳлил ва тарғибот ишларини ташкил этиш бошқармаси бош мутахассиси;

- Хидиров Мирзохид Ғайратович - Дин ишлари бўйича қўмитанинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Олмазор тумани бўйича бош мутахассиси.

Шунингдек, қуйидаги диний соҳа ходимлари “Имом Бухорий” ордени билан мукофотланди:

- Наимов Алишер Абдурашидович - Фарғона вилояти бош имом-хатибининг ўринбосари, Қувасой шаҳар бош имом-хатиби;

- Усманов Рахматилло Ахматович - Қашқадарё вилояти бош имом-хатиби, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Қашқадарё вилояти вакили;

- Элов Жобир Рустамович - Бухоро вилояти бош имом-хатиби, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Бухоро вилояти вакили.